

“ГЎЗАЛЛИК/ХУНУКЛИК” ФАЛСАФИЙ-ЭСТЕТИК КАТЕГОРИЯ СИФАТИДА ВА УНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

И.У.Тожибоев

НамДУ таянч докторанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10020653>

Маълумки, ҳар бир фаннинг ўзига хос тушунчалари - категориялари мавжуд бўлиб, оламдаги, воқеликдаги ходиса ва предметларининг асосий ўзига хос белгилари ва хусусиятларини чуқурроқ бўлиб олишга ёрдам беради.

Эстетиканинг “гўзаллик/хунуклик” каби тушунчалари ҳар бири ўзига хос хусусияларга эга бўлиб, инсон эстетик дунёқарашининг шаклланишида ўз ўрнига эга.

Инсон оламдаги, табиатдаги, гўзаллик ва хунукликларни кўриш, тинглаш, ҳис қилиш орқали ички хиссиётларга берилади ва юрагида ажиб бир туғён жўш уради. Бу туғён гўзалликдан завқланиш, хунукликдан нафратланиш туйғусидир. Қарама-қарши ана шу тушунча ҳар бир инсон қалбида ажиб бир ички хиссиётлар уйғотади.

Гўзаллик-эстетиканинг асосий тушунчаларидан бири бўлиб, у нафосат оламининг мағзи, асосий белгиси, бош хоссаси, асосий моҳиятини ташкил қилади. Шу боис эстетикани гўзаллик ҳақидаги фан, гўзаллик фалсафаси ҳам деб атайдилар. Гўзаллик-бу асосий эстетик қадрият бўлиб, уни идрок этиш қобилияти эса эстетик субъектнинг асосий хоссасидир. Мутафаккирларнинг айтишларига қараганда гўзаллик ҳақида фикр юритиш ва уни баён қилиш ниҳоятда мураккаб ва машақатли жараёндир.

Хунуклик ҳам эстетик категория сифатида инсон гўзаллиги, шаъни, кадр-қиммати ва идеал тасаввурларга хилоф келадиган хусусият, нарсаси ва ҳодисани ифодалайди. Гўзалликнинг акси бўлмиш хунуклик кишида турли хил салбий ҳис-туйғу, нохуш кайфият, таассуф ва нафрат кўзғатади, ёқимсиз таассурот қоддиради. Гўзалликни унинг зидди бўлмиш хунукликсиз тасаввур қилиш қийин кечади. Чунки бу икки эстетик хусусият ўзаро доимий диалектик муносабат туфайли мавжуд. Улар бири иккинчисининг намоён бўлиши учун кўзгу вазифасини бажаради: гўзалликнинг моҳиятини англасак, хунуклик нима эканини билиб оламиз, хунукликнинг моҳиятини тушуниб етсак, гўзаллик ҳақида тўғри тасаввурга эга бўламиз. Шу сабабли бу икки эстетик хусусиятни англатадиган тушунчаларни бир-биридан ажратиб эмас, аксинча ўзаро боғлиқ жуфтлик истилоҳлар тарзида олиб қараш мақсадга мувофиқ. Зеро, ҳеч бир зид тушунчани фанда салбий деб четга чиқариб қўйиш ёки унга жиддий эътибор бермасдан қараш мумкин эмас. Энди гўзаллик тушунчасининг тарихига икки оғиз тўхталиб ўтамиз.

Энг қадимги давлат пайдо бўлган даврларни олсак, унда инсон ҳали гўзаллик тушунчасини англаб етмаган, у ҳақда фақат ғира-шира тасаввурга эга бўлган холос. Бу тасаввур табиат билан курашга киришиб, бир бурда нон, энг зарур уст-бош ва бошпанадан гўзалроқ нарсани билмаган инсон дунёқарашининг илк шаклланиши билан бирга тараққий топиб борган. Чунончи, Сомирда бундан 6–7 минг йиллар аввал яратилган маъбудлар ҳайкаллари ниҳоятда қўпол, бизнинг назаримизда жуда хунук. Лекин сомирликлар учун улар гўзал ҳисобланган. Чунки, сомирликлар наздида улар қурғоқчиликда – ёмғир, экин-тикинларнинг серҳосил бўлиши учун қуёшли кунлар бағишлаб, одамларни очлик ва ўлимдан сақлаб қолганлар. Улар келтирган ана шу фойда инсонда бу ҳайкал-маъбудларга нисбатан эътиқод ва муҳаббат уйғотган.

Шундай қилиб, илк ҳайкалтарошлик намуналари қанчалик кўпол ва хунук бўлмасин, инсонга келтирган фойдаси туфайли улар гўзаллик тўғрисидаги дастлабки тасаввурни уйғотган.

Гўзаллик тушунчаси субъектдаги ёқимли таассурот, хуш кайфият ва қувонч уйғотадиган объектдаги эстетик хусусиятни тавсифлашга йўналтирилган илмий атама. Эстетик хусусият сифатида эса гўзаллик муайян комиллик ва юксак қадрият, инсонни «эркинликка олиб борадиган йўлдир».

Энди гўзалликнинг ўзига хос жиҳатлари, диалектик ва метафизик алоқалари ҳамда унсурлари тўғрисида тўхталиб ўтамиз.

Гўзаллик энг аввало меъёр билан боғлиқ. Лекин бу боғлиқлик билвосита – уйғунлик орқали рўй беради. Яъни, нимаики меъёрида экан, унда уйғунлик хусусияти мавжуд бўлади; уйғунлик гўзалликнинг пойдеворидир. Уйғунликда мослик ва мутаносиблик билан бир қаторда баъзан номослик ва номутаносиблик катта аҳамият касб этади. Масалан, теракнинг адллиги, пастки танасининг устки қисмига мутаносиблиги – гўзал. Айни пайтда ток зангининг эгри-бугрилиги, пастки қисми билан тепа томонининг номутаносиблиги ҳам – гўзал. Чунки ҳар икки ҳолатда уйғунлик мавжуд.

Зеро, уйғунлик икки ва ундан ортиқ қарама-қарши нарсалар ўхшаш нарсалар унсурларининг меъёр асосида «ички келишуви» дан ҳосил бўлади. Масалан, қиз боланинг оппоқ юзидаги мошдек ёки нўхатдек қора хол – гўзал, бунда оқ билан қора – қарама-қарши ранглар меъёр асосида бир-бири билан сиғишади, уйғунликни ташкил этади, натижада юзда гўзал манзара вужудга келади, аниқроғи, юз гўзallasишади. Бироқ оқ юздаги қора хол меъёридан ортиқ ўрин эгалласа, юзнинг катта қисмини қоплаб олса, гўзаллик эмас, хунуклик пайдо бўлади. Чунки ҳажмдаги меъёрнинг бузилиши, оқ ранг ичидаги қора рангнинг ортиқча катталашиб кетиши уйғунликка путур етказади ва хунукликка олиб келади. Ёки ёнбағирда туриб, тоққа тикилсангиз, эстетик завқ оласиз, аммо худди шундай баландликдаги шаҳар четида ўсиб чиққан ахлат «тоғи»га қараб хунук манзарарадан завқланмайсиз, аксинча кайфиятингизга салбий таъсир қилади ва кўнглингиз ранжийди.

Демак, хунуклик кайфиятни бузади, кишида объект ҳақида ёқимсиз таассурот қолдиради, муҳаббат туйғусини эмас, аксинча ҳазар, баъзан эса жирканиш ҳиссини уйғотади.

“Гўзаллик/хунуклик”ни икки алоҳида дунё эмас, балки бир дунёнинг икки қутби сифатида олиб қараш лозим, чунки гўзаллик бор экан, хунуклик ҳам мавжуд, улар доимо бир-бири билан диалектик муносабатда бўлади. Бундай муносабатни биз, айниқса, уларнинг бир-бирига ўтиб туришида кўришимиз мумкин. Ёш, юзлари тиниқ, қадди қомати адл – гўзал қизнинг йиллар ўтиб, қари, ҳамма ёғини ажин босган букчайган, касалманд кампир бўлиб қолиши ёки баҳорда қийғос гуллаган ўрикнинг қишда тиканга ўхшаб тиккайган шохлари бир-бирига чирмашиб кетган яланғоч дарахтга айланиши бунинг ёрқин мисолидир.

Хунуклик ҳам кўп ҳолларда худди шундай эврилишни бошдан кечиради. Масалан, маҳалла четида ахлатхона бўлиб ётган ташландиқ ер – хунук, уни гулзорга айлантирилса – гўзаллик касб этади ёки зарғалдоқнинг жиш полапони – хунук, вояга етгач эса, у рангдор, гўзал қуш сифатида кўзни қувонтиради.

Хунукликнинг гўзалликка айланиши, фалсафадаги инкорни инкор қонуни асосида рўй беради: инкорни инкор қилиш, ниманидир барқарор этишдир. Шундай қилиб, инсондаги, жамиятдаги ҳамда табиатдаги гўзаллик ва хунуклик ҳеч қачон мутлақ бўла олмайди, доимо нисбий ҳамда муваққат табиатга эга; уларнинг ўзаро диалектик алоқадорлиги, бир – бирига ўтиб туриши ана шундан деб қараш лозим бўлади.

Тилшуносликда мазкур концептлар маълум даражада ўрганилган. Жумладан, Ю. В. Мещерякованинг тадқиқот иши эстетик баҳоларни лингвистик ифодалаш таҳлиliga бағишланган бўлиб, тилшунослик ва маданиятшунослик билан уйғунликда олиб борилади. Ишда асосан инглиз ва рус халқлари маданиятида гўзаллик концептининг ўзига хос тарзда намоён бўлиши қиёсий аснода таҳлилга тортилади. Фразема ва мақолларда гўзаллик концептини воқеланиши, уларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари хусусида атрофлича фикр юритади (1;232).

Ю. В. Клинова, ўз тадқиқотида "гўзаллик" тушунчасини, унинг рус ва инглиз тилларида лексикографик тасвирини, концептуализация ва вербализация хусусиятларини ўрганишга ҳаракат қилади. Лексема ва "гўзаллик" тушунчаси рус ва инглиз тил маданиятларида таърифлар тизими сифатида, "гўзаллик" лексик бирлигининг сўз ясаиши ва ассоциатив-мажозий хусусиятлари, шунингдек, ҳосиланинг лексик-семантик ва образли-семантик хусусиятларини рус миллий тилидаги "Гўзаллик" гиперконцети кўп жиҳатдан ўрганилади ва тавсифланади (2;107). И. О. Окуневанинг тадқиқот иши сўзловчилар онгида "гўзаллик" лингвокогнитив тушунчаси билан бирлаштирилган рус ва инглиз тилларидаги субъектив-баҳо, ассоциатив ва когнитив-метафорик маъноларни қиёсий таҳлил қилиш муаммосига бағишланган. Иш инсонлар (эркаклар, аёллар, болалар) ва унинг атрофидаги дунё (табиат, санъат асарлари, турли артефактлар) гўзаллигини ифодаловчи лингвистик воситаларни сўзловчининг ниятлари нуқтаи назаридан тасвирлашга қаратилган. Тадқиқотчи кўпроқ эътиборни эркаклар ва аёллар гўзаллигини тасвирланишига қаратади. Уни таъкидлашча, эркак ва аёллар гўзаллиги афсонавий қаҳрамонлар ҳамда антик давр худоларига қиёсланади.

Масалан: Handsome as Adonis, as a young Greek god, as Apollo, beautiful as Helen of Troy, like Aphrodite, like Venus, like nymphs каби; ва бошқа. Инглиз тилида эркаклар яна қуйидаги сифатларига эътибор қаратилади: looking regal as a king, graceful as Mars, erect as a Grecian pillar, grandly sitting like a great rock ва бошқа (3;313).

Тилшунос А.И.Зияев ўз тадқиқотида инглиз тилида "beauty/ugliness" концептларини ифодаловчи лексемаларнинг маъносини кучайтириш масалаларини тадқиқ этади. Мазкур концептларни ифодаловчи сўзларнинг семантик таркибини компонент таҳлил ёрдамида аниқлаш ва уларнинг структур тавсифини беришга, ўрганилаётган концептларга алоқадор бўлган интенсификаторларнинг семантик хусусиятлари ва қўлланишини ўрганишга ҳамда тадқиқ этилаётган концептларга оид лексик birlikлар семантикаси ва структурасининг интенсификатор танланишига таъсирини текширишга асосий эътиборни қаратади(4;22).

М. М. Рахматова ўз тадқиқотида «гўзаллик» концептининг инглиз, ўзбек ва тожик тилларидаги миллий-маданий ҳамда лисоний хусусиятларининг муштарак ва фарқли жиҳатларини очиб беришни мақсад қилиб қўяди. Шунингдек, «гўзаллик»

концептининг лексик, фразеологик ва контекстуал сатхларда акс этган миллий-маданий, лисоний хусусиятларини тадқиқ қилишга ҳаракат қилади(5;51).

Ю. С. Бокованинг диссертацион иши рус, инглиз ва америкалик ёзувчиларнинг асарлари асосида рус ва инглиз тил ва маданий онгида гўзаллик концептини воқеланиши тахлилига бағишланган. Тадқиқот инглиз ва рус халқлари маданиятлари тушунчалар тизимида “гўзаллик” тушунчасининг лингвистик ифодаланиш хусусиятларини ҳар томонлама ўрганади(6;168).

Яндашова Турсуной Рустам кизининг тадқиқоти инсон гўзаллиги яна бир канча параметрларга кўра гуруҳларга бўлиниши мумкин. Тилда уларни ифодаловчи лексик-семантик воситалар ҳам шунга мувофиқ фарқланади. Мисол учун, шахс гўзаллиги билан боғлиқ ифодаларни ишда қуйидаги ички гуруҳларга ажратилган:

- мохиятига кўра: ички гўзаллик ва ташқи гўзалликка (*Хусни беқиёс, қалби гўзал - батамом мукамал; Бола азиз, одоби ундан азиз*);
- гендер хосланишига кўра: аёл гўзаллиги, эркак гўзаллигига (*соҳибжамол қиз, келишган йигит*);
- ёшга кўра: кекса ёш гўзаллиги, ўрта ёш гўзаллиги, балоғат даври гўзаллиги, болалик ёши гўзаллигига (*нуроний чол, навниҳол йигит, қирчиллама одам, асал бола*);
- диний келиб чиқишига кўра: мусулмон, христиан, буддист гўзаллигига (*муслима аёл, мумин йигит, тарсо қиз*);
- ирқий келиб чиқишига кўра: оқ танли-қора танли шахс гўзаллигига (*негр одам, оппоқ бадан*);
- жамиятдаги ижтимоий роли, статусига кўра: (*зодагон шахс, аристократ аёл, бокира қиз, бек йигит, аслзода инсон, давлатманд одам, қашшоқ киши*) каби ички гуруҳларга бўлиб таҳлил қилишга ҳаракат қилади (7;51).

Г.А. Садриеванинг тадқиқот иши инглиз, рус ва татар халқларининг лингвомаданиятида “гўзаллик” концептини ифодалашда метафораларнинг ўзига хос аҳамиятга эга эканлиги, ҳарбир халқ ўзига хос тарзда метафоралардан фойдаланиши ҳамда метафоралар турли халқларнинг миллий маданий хусусиятларини ифодалаш ҳақида атрофлича фикр юритади. Айни метафоралар маълум бир халқда ижобий маъно касб этса, иккинчи бир халқда салбий маъно ифодалашига эътибор қаратади (8;36).

Е.А. Черкашина ўз тадқиқотида гўзаллик концептини рус тили концептосферасига мос равишда рус тили лексикографик материаллари ҳамда фразеологияси материаллари асосида тадқиқ қилишга ҳаракат қилади. Дарҳақиқат, фразеологик бирликлар ҳам муайян бир халқнинг урф-одати, турмуш тарзи, дунёқараши, менталитетини маълум бир тарзда ифодалашга хизмат қилиши хусусида атрофлича фикр юритади (9;38).

Гўзаллик-эстетиканинг асосий тушунчаларидан бири бўлиб, у нафосат оламининг мағзи, асосий белгиси, бош хоссаси, асосий мохиятини ташкил қилади. Шу боис эстетикани гўзаллик ҳақидаги фан, гўзаллик фалсафаси ҳам деб атайдилар. Гўзаллик-бу асосий эстетик қадрият бўлиб, уни идрок этиш қобилияти эса эстетик субъектнинг асосий хоссасидир.

Юқоридаги шарҳлардан шуни англаш мумкинки, гўзаллик концепти тилшуносликда айрим тилшунослар томонидан атрофлича ўрганилган бўлсада, унинг семантик-структур жиҳатлари, компонент таҳлили, улар орасидаги синонимик ва антонимик муносабатлар етарли даражада тадқиқ этилмаган. “Гўзаллик/хунуклик” антонимик

концептлари монографик тарзда тадқиқот объекти бўлмаган. Биз қуйида мазкур концептларни ифодаловчи лексемаларни компонент таҳлил ёрдамида архисема, интеграл ва дифференциал семаларини аниқлашга ҳаракат қиламиз.

References:

1. Мещерякова Ю.В. Концепт красота в английской и русской лингвокультурах.: дисс... канд. филол. наук. – Волгоград: 2004. – 232 с.
2. Клинцева Ю.В. Специфика вербализации красоты в русской языковой картине мира // Молодые ученые АФ РГСУ. Анапа, 2006. С. 107-110.
3. Окунева И.О. Концепт "красота" в русском и английском языках: диссертация ... кандидата филологических наук.- Москва, 2009.- 313 с.
4. Зияев А.И. Инглиз тилида сўз маънолирини кучайтиришнинг лингвокогнитив аспекти: Филол. фан. ном. дис. ... автореф. – Самарканд, 2009. – 22 б.
5. Раҳматова М.М. Инглиз, ўзбек ва тожик миллий маданиятида "гўзаллик" концептининг лисоний хусусиятлари, фил. фанлари бўйича фалсафа доктори дисс.автореф. - Бухоро: 2019. – 51 б.
6. Бокова Ю.С. Вербализация концепта «красота» в русском и англоязычном лингвокультурном сознании (на материале произведений русских, английских и американских писателей). диссертация ... кандидата филологических наук.- Москва, 2012.- 168 с.
7. Яндашова Т.Р. "Ўзбек ва инглиз тилларида "гўзаллик" концептининг ифодаланиши ва лингвопоэтикаси". фил. фанлари бўйича фалсафа доктори дисс.автореф. - Тошкент: 2021. – 51 б.
8. Садриева, Г. А. Метафорическая репрезентация концепта «красота» в английском, русском и татарском языках / Г. А. Садриева // Известия 148 ВГПУ (Волгоградского государственного педагогического университета). – 2013. – № 1 (76) – С. 36–39.